



Худ алайхиссалом кавми Яман ва Уммон ўртасидаги Ахкоф деган жойда яшаган. Улар Нух алайхиссаломдан кейин яшаб, Нух тўфонидан сўнг тўгри йўлдан озиб кетган кавмларнинг бири бўлади.

Худ алайхиссалом кавми хакида Куръони каримнинг “Аъроф” ва “Худ” сураларида батафсил зикр килинган. Уларнинг киссаси “Мўминун” сурасида ҳам пайгамбари ва кавмларининг номи зикр этилмасдан баён килинган. Хуллас, Худ алайхиссалом ўз кавмини тавхидга чакиргани ва кавмига Аллох таолонинг жазоси келгани хакида зикр килинади.

Худ алайхиссалом ва унинг кавми киссаси Нух алайхиссалом киссаси каби бошланади (Шуаро сурасида): “Од кавми Пайгамбарларни ёлгончи килди. Ўшанда уларга биродарлари Худ деди: «Кўркмайсизларми?! Албатта, мен сизларга ишончли Пайгамбарман. Бас, Аллохдан кўркинлар ва менга итоат килинлар. Мен сизлардан бунинг учун ҳақ-аҳр сўрамасман. Менинг аҳрим факатгина Роббул Оламининг зиммасидадир” (Шуаро сураси 123-127 оятлар).

Аллох таоло ва Унинг элчисига иймон келтириш айнан олдин келган ҳар бир пайгамбарларнинг даъвати эди.

Худ алайхиссалом уларнинг килаётган ишларини, хусусан, улар бир-бирларидан ўзиш учун бунёд этаётган ҳашаматли иморатларни танқид килади. Дунёда кўлга киритган мол-дунёлари ва бошқа бойликлари туфайли мутаққабир бўлиб кетганликларини коралайди. Аллох таолодан юз ўгиришлари ва энди Унинг олдида жазо олажакларини эслатиб: “Ҳар тепаликка бир белги бўладиган бино қуриб, беҳуда ўйин килаверасизми?

Ва ҳудди мангу туражакдек «маснаълар» тутаверасизми?” дейдилар (Шуаро сураси, 128-129).

Оятдаги «маснаълар» сўзи ҳозирги араб тилида завод-фабрика маъносида ишлатилмоқда. Од кавми улкан қасрлар қуриш, тоғларни ўйиб ишлов беришни билар, шу билан бир қаторда, фахр учун кўтарадиган биноларида фойдаланадиган

асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарадиган ишхоналарга эга эди. «Масонеълар»дан мурод ўшалар бўлиб, оятда қурилишларга доирлигига очик-ойдин ишора бор.

Улар қурган бинолари узокдан яхши кўриниб туриши учун уларни тепаликларга қуришни яхши кўришган. Бошқаларга ўзларининг мол-мулкларини кўрсатиш ва қудратларини намойиш қилишни хуш кўришган. Қуръони қаримда эса бу нарсаларнинг беҳудалиги очик айтилган.

Агар улар қурган биноларнинг амалий бирон бир фойдаси бўлганида эди, улар беҳуда дейилмаган бўларди.

Шундай қилиб, Қуръони қарим инсонни ўз имкониятлари ва ресурсларини ўзларини кўрсатиш ва мол-мулкидан фойдаланиш ўрнига, фойдали, керакли нарсаларга йўналтириши кераклигини таъкидлайди.

Од қабиласи, турли хил касб-хунарларда ҳам илгорлаб кетди ва ўзларига саройлар қуришда тоғлардан катта котлованлар қазиб учун энг зўр меҳнат қуролларида фойдаланишда ҳам ўзиб кетишди. Худ алайхиссалом уларга: “Ва худди мангу туражақдек «маснаълар» тутаверасизми?” дедилар (Шуаро сураси, 129).

Улар ўзлари қурган мустаҳкам иморатлари табиий офатлар ва душман ҳужумларидан уларнинг ҳаётларини сақлаб қолади, деб қаттиқ ишонарди. Бирок Худ алайхиссалом уларнинг бундай ҳатти-ҳаракатларини танқид қилади: “Тутганингизда ўта жабрчи бўлиб тутдингиз” (Шуаро сураси, 130). Булар жуда қучли, муросасиз ва ашаддий халқ эди. Бошқалар билан муносабатда жуда шафқатсиз эди. Ҳозир ҳам қудратга тўла мамлакатларда шу ҳислатлар топилади.

Шу тарзда Худ алайхиссалом уларга Аллоҳ таолодан кўркиш ва У юборган пайгамбарга эргашиш кераклигини эслатади. Эҳтимол бу нарсалар уларнинг шафқатсизлиги ва қибрини йўқ қилиши мумкин эди: “Бас, Аллоҳдан кўркинг ва менга итоат қилинг” (Шуаро сураси, 131).

Сўнг у Аллоҳ таолонинг меҳрибон эканини эслатади: “Сизга ўзингиз билган нарса ила мадад берган зотдан кўркинг. У сизларга чорва ҳайвонлари ва фарзандлар ила мадад берди. Бог-роғлар ва булоқлар ила. Мен, албатта, сизга улуг куннинг азоби қелишидан кўркаман” (Шуаро сураси, 132-135)

Худ алайхиссалом аввал мадад бераётган Зот ҳақида эслатади, сўнг У ато қилган нарсаларни зикр қилади. У сизларга ўзингизга маълум бўлган нарсалар билан мадад берди. Буларнинг ҳаммаси сизлар учун эди ва сиз бу ҳаётда фойдаланаётган нарсаларингиз ҳақида жуда яхши биласизлар. Сўнг булар ҳақида батафсил тўхтайди: “У сизларга чорва ҳайвонлари ва фарзандлар ила мадад берди. Бог-роғлар ва булоқлар ила” (Шуаро сураси, 133-134).

Ўша вақт бу нарсалар энг олий неъматлар эди. Умуман айтганда, бу нарсалар доим катта неъмат ҳисобланган. Ва яна у Қиёмат куни бўладиган жазо ҳақида ҳам гапирди.

У ўз давъатида катта азоб этишидан кўркишини ҳам айтади. Чунки уларнинг баъзилари унга ака, баъзилари ука бўлган ва у уларни койим бўлиши мукаррор бўлган Киёмат кундаги азобдан саклашни истайди.

Бирок унинг даъватлари уларнинг тош бўлиб колган калбларини юмшата олмади. Улар кайсарлик билан ислох қилишга қарши бўлаверади: “Улар: «Биз учун ваъз қилсанг ҳам ёки ваъз қилгувчилардан бўлмасанг ҳам, барибир», дедилар (Шуаро сураси, 136).

Мана гувоҳи бўлганимиздек, пайгамбар даъватига бефарқ бўлиб, бизга барибир дедилар. Улар бу билан яна бир марта ўзларининг гуноҳларда қотиб қолганликлари ва ўтганларнинг урф-одатида қотиб қолганлигини кўрсатиб қўйишди: “Бу эскиларнинг одати, холос. Биз азоблангувчи эмасмиз», дедилар.”(Шуаро сураси, 137-138).

Улар Худ алайҳиссалом танқид қилаётган одатлар ота-боболаридан қолгани учун уларга эргашаётганлигини таъкидлашди.

Сўнг улар киёматда азоб бўлишини инкор қилишди: “Биз азоблангувчи эмасмиз, дедилар” (Шуаро сураси, 138).

Бу сурада улар ва Худ алайҳиссалом ўртасида яна бахс бўлгани ёки бўлмагани хакида зикр қилинмай, ҳулоса қилинади: “Улар у(Худ)ни ёлгончи қилдилар. Бас, Биз уларни ҳалок қилдик...” (Шуаро сураси, 139). Бу ояти қарима араб тилида икки қалима билан ифода қилинган: “فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ يَوْمِهِمْ الَّذِي يَصْعَدُونَ فِيهِ السَّمَاءُ كَالْعِظَامِ تَصْصَدُ وَهُمْ فِيهَا كَالْفِجَارِ” (факаззубуху фа’ахлакнаҳум) — шундай қилиб ўзини қудратли деб билган Од қавми йўқ бўлиб кетди. Улардан ҳеч нарса қолмади, на боғу рог, на фарзандлар на мол-мулклар...

Яна қанча-қанча халқлар цивилизациядаги тараккиётларига ишониб ҳудди Од қавми қаби Аллоҳ таолодан узоқлашиб бормокда. Улар ўзларини Аллоҳ таолонинг амридан ҳолимиз, деб ўйлашади. Улар бошқаларни йўқ қилиш, ҳамда ўзларининг ҳавфсизлиги учун қурол-яроғлар ишлаб чиқади, бироқ шундай бир кун ёки тун келадики, бу халқлар Аллоҳ таолонинг жазосига йўликадилар: “...Албатта, бунда оят-белги бор. Лекин кўплари мўмин бўлмадилар. Албатта, Роббинг Ўзи азизу меҳрибондир” (Шуаро сураси, 139-140).

OnIslam материаллари асосида

Абу Муслим тайёрлади

Қўшимча ўқиш учун:

Од кавми тарихи хакида ўйлар

Муаллиф:

27.05.2023 19:28 -

Од кавмига берилган неъматлар хакида: Аъроф 69, Шуаро 133-134, Фажр 7-8.

Од кавмининг мутакаббирлиги: Фуссилат 15, Шуаро 128-129.

Худ алайхиссаломнинг пайгамбарлиги: Аъроф 65-72, Худ 50-57, Мўминун 32, Шуаро 131-132, Шуаро 135, Ахкоф 21-23.

Худ алайхиссаломнинг таъкиб килиниши: Аъроф 66-67, Худ 53-55, Шуаро 136-137, Сод 12, Ахкоф 21, Коф 13, Камар 18.

Од кавмининг йўк килиниши: Аъроф 72, Худ 58, Худ 89, Мўминун 41, Фуркон 38, Шуаро 139, Анкабут 38, Анкабут 40, Гофир 31, Фуссилат 13, Фуссилат 16, Ахкоф 24-25, Зарийат 41-42, Нажм 50, Камар 19-20, Хаакках 6-8, Фажр 6.